

● Чорвачилик сирлари ●

ҚҲҲ ВА ЭҲКИ

ПАРВАРИШЛАШ

ҚҲлардан олинадиган асосий маҳсулотлар
ҚҲ зотлари ва уларни қҲайтириш усуллари
ҚҲларни қҲзилатиш ва уларни боқиш
ЭҲкичилиқни ривожлантириш
ЭҲкиларни қҲайтириш



ҚҰЙ ВА ЭЧКИ БОҚИШ СИРЛАРИ

Тўплаб, нашрга тайёрловчи:
Рустам Қурбонов

«Merius» нашриёти
Тошкент — 2013

УДК: 636.39

ББК: 46.6

К - 87

Қўй ва эчки боқиш сирлари / Тўплаб,
нашрга тайёрловчи: Рустам Қурбонов. - Т.:
MERIYUS, 2013 йил, 96 бет.

ISBN 978-9943-395-91-6

Ушбу қўлланмада қўй ва эчкиларни
парваришlash, улар маҳсулотларини етиштириш
бўйича муҳим маълумотлар берилган. Қўлланма
кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
Маҳмуда Абдуллаева

© "Merius" нашриёти, 2013

КИРИШ

Қўйчилик ватанимиз чорвачилигининг энг қадимий ва шу билан бирга энг муҳим тармоқларидан биридир. Бу муҳим соҳадан инсоният қимматбаҳо ҳисобланадиган бир нечта маҳсулотларни олади. Саноат учун нодир хом-ашёлар — юнг, қўй терилари, барра терилар, озиқ-овқат маҳсулотлари (қўй гўшти ва ёғи, қўй сути) шулар жумласига киради.

Қўйлар маҳсулдор ҳайвонлар орасида энг кўп сонлисидир. Улар ер шарининг шимолий қутбидан то энг жанубий ҳисобланмиш Аргентинанинг Оловли ер ороллариғача тарқалган. Қўйларни, шунингдек, Австралия, Янги Зеландия, Ҳиндистон ва Европа мамлакатларининг паст текисликлари, кўпгина саҳроларда ва ҳатто энг баланд ҳисобланадиган тоғ яйловларида ҳам учратиш мумкин. Ҳимолай ва Тибет тоғларида халқлар қўйлардан юк ташувчи ҳайвонлар сифатида фойдаланишади.

1990 йилларнинг ўрталарига келиб, ер куррасида яшовчи ҳар 100 кишига 30 бошга яқин қўй тўғри келган. Бу кўрсаткич Янги Зеландияда 2160 бошни, Австралияда 1640 бошдан ортиқроқни, Манголияда 1000 бошни, АҚШда 10 бошни, Европа мамлакатларида 2-6 бошни ташкил қилади.

Эрамиздан бир неча асрлар илгари ва эрамизнинг бошларида яшаган скифлар, саматлар ва бошқа халқлар ривожланган чорвачиликка, айниқса, отчилик ва қўйчиликка эга бўлганлар.

Жун қоламининг комплекс хусусиятларига кўра ҳозирги пайтда қўйчиликнинг асосий йўналишлари мавжуддир: майин юнг берувчи, ярим майин юнг берувчи ва дағал юнг берувчи йўналишлари.

Майин юнг берувчи қўйчилик ўз ичига 22 зотни киритади. Асосий мақсад — бу қўйлардан иложи борица кўп миқдорда бир хил толали майин юнг олиш.

Ярим юнг берувчи қўйчилик ҳам 22 қўй зотини ўз ичига олади. Ярим майин юнг ва қисман қўй гўшти асосан бир ёшга етмаган қўзилардан олинади. Шу сабабли ҳам бу йўналишдаги қўй зотларини

урчитиш пайтида асосий эътибор уларнинг юнг маҳсулдорлиги билан бир қаторда тез пишувчанлигига, жуссаси офирлигига, тез семирувчанлигига, камроқ озуқа ҳисобига кўпроқ гўшт берувчанлигига қаратилади.

Ярим дағал юнг берувчи қўйчилик ўз ичига 3 қўй зотини олиб, ярим дағал қўй юнгидан ташқари, гўшт, ёғ ва қимматбаҳо қўй териси олинади.

Дағал юнг берувчи қўйчиликка 23 қўй зоти киради. Бу зотларнинг асосий белгиси юнгининг ҳар хил толалардан иборат бўлиб, дағаллигидир. Булар турли-туман маҳсулотлар беради.

Бизда кўп миқдорда қўй гўшти, юнг, мўйнабоп хом-ашёларни етиштириш ва халқимизнинг ана шу маҳсулотларга бўлган талабини тўлиғича қондириш имкониятлари мавжуддир.

Аниқланишича, Ўзбекистонда 1997 йилда қўй ва эчкилар 7986 минг бошни, 1998 йилда эса 8075900 бошни ташкил қилди. 1996 йилда 13720 тонна, 1997 йилда эса 12914 тонна юнг етиштирилди.

Яна маълумотлар бўйича, ер куррасидаги майда туёқлилар бош сони 1976 йилда 1.038 млн.ни ташкил қилди, юнг ишлаб чиқариш эса 2590 минг тонна ёки ҳар бир бош қўй ҳисобига 2,5 кг.дан иборат бўлди. Охирги 30 йил давомида қўйларнинг сони 33 фоизга, юнг етиштириш эса 42 фоизга кўпайди. Жун етиштиришнинг кўпайиши қўйлар бош сонининг кўпайиши ва маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига юз берган.

Ер юзида бўлган жами қўйлар ва эчкиларнинг ярмидан кўпроғи қуйидаги мамлакатлардадир: Австралия, Янги Зеландия, Аргентина, Уругвай ва АҚШ. Ана шу мамлакатлар биргаликда ҳар йили 1,8 млн. тоннадан кўпроқ юнг маҳсулотларини етиштиришади.

Хорижий мамлакатлар орасида қўйчиликнинг тараққиётига кўра Австралия алоҳида ўрин эгаллайди. Бу мамлакатда 1976 йилда 148,6 млн. бош қўй бўлган, йиллик юнг етиштириш 754,3 минг тоннани ташкил қилган эди. Австралиянинг қўйчилигининг асосий йўналиши майин юнг йўналишидир. Қўйлари гавдалари кичгиналигига қарамасдан кўп миқдорда юқори сифатли юнг бериш қобилиятига эгадир. Бу мамлакатда қўйларни бутун йил бўйи чегараланган яйловларда очиқ ҳавода боқишади.

Энг юқори маҳсулот берадиган қўйчиликка эга бўлган яна бир мамлакат Янги Зеландиядир. Бу ерда 1996 йилда 56,3 млн. бош қўй бўлган, 311,8 минг тонна юнг етиштирилган. Қўйчиликнинг асосий йўналиши ярим майин юнг ва гўшт бериш йўналишидир. Ҳар бош қўйдан ўртача 5,52 кг юнг қирқиб олинади.

Қўйчиликнинг яна бир сердаромад тармоғи — қўй гўшти етиштиришдир. Гўшт учун асосан 4-5 ойлик боқилган қўзилар сўйилади. Австралияда бўлгани каби Янги Зеландияда ҳам бутун йил давомида қўйлар чегараланган яйловларда очиқ ҳавода боқилади. Бу мамлакатларда қўйлар галасини қайтариш, чўмилтириш ва бошқа ишларда ўргатилган итлардан кенг фойдаланилади.

Америка қитъасида ривожланган қўйчилик асосан Аргентина, Уругвай ва АҚШдадир. Бу мамлакатларда кўпинча ярим майин юнг-гўшт берувчи, қисман майин юнг берувчи қўй зотлари учратилади. Қўйлар кўп вақт баланд тоғ яйловларида боқилади. Бу мамлакатларда ҳам ёш қўзиларни боқиб семиртириб, гўштга сўйиш кенг тарқалган. Қўйларнинг ўртача юнг маҳсулдорлиги 3,5-4 кг. Бу қитъанинг бошқа мамлакатларида асосан юнг берувчи қўй зотлари учратилади.

Фарбий Европа мамлакатлари орасида Англияда қўйчилик яхши ривожланган. 1976 йилда бу мамлакатда 28,2 млн. бош қўй бор эди. Қўйчиликнинг асосий йўналиши ярим майин юнг-гўшт бериш йўналишидир.

Осиё мамлакатлари асосан дағал юнг берувчи қўй зотларини урчитишади. Ана шундай қўй зотларидан Ҳиндистонда 26, Эронда 18, Хитойда 13, Покистонда 19, Туркияда 12 хили мавжуддир. Бундан ташқари, Ҳиндистонда, Индонезияда, Цейлонда, Бирмада ва Шри-Ланка республикаларида юнгсиз қўй зотлари ҳам учратилади.

Майин юнг берувчи қўй зотлари Осиё мамлакатлари орасида Ҳиндистон ва Хитойда, ярим майин юнг берувчи қўй зотлари Ҳиндистонда, Покистонда, Хитойда, Манголияда ва Туркияда учратилади.

Африка қитъасида 82 қўй зоти мавжуд бўлиб, уларнинг 43 таси юнглидир. Африканинг қўйчилик билан шуғуланувчи 33 мамлакатининг 29 тасида асосан юнгсиз қўйлар зоти учрайди. Майин юнг берувчи қўй зотлари фақатгина Жанубий Африка Республикасида, Қоракўл қўйлари Намбия ва кам миқдорда Манголияда, Мозамбекда учратилади. Африка мамлакатлари қўйчилигининг зот таркибига кўра турли-туман бўлиши мазкур қитъа иқлим шароитининг ўзига хослиги ва аҳолисининг майда-майда этник гуруҳларга бўлиниб кетиши билан изоҳланади.

Хуллас, бугунги кунда қўйлар фермаларда маълум мақсадларда кўплаб ва оддий хўжаликларда саноқли равишда парвариш қилинади. Баракали ҳисобланган бу ҳайвон ҳар томонлама инсониятга фойдали саналади.

ҚЎЙЧИЛИКНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

Қўйчилик чорвачиликнинг муҳим тармоғи бўлиб, саноат учун турли хил хом-ашё: жун, мўйна, қоракўл тери ҳамда озиқ-овқат сифатида гўшт, ёғ, сут етиштирилишини яна бир бор эслатамиз.

Қоракўл қўйлардан олинadиган сифатли, ранг-баранг, товланиб турадиган қоракўл, қоракўл-қоракўлча ҳамда қоракўлча деб аталadиган мўйна-тери дунё бозорида олтин баҳосида сотилади ва мамлакатимиз шон-шухратини янада оширади. Қоракўл терилардан бош кийимлар, ёқа тайёрланади ва у анча қиммат баҳоланади.

Қўй ва қўзи гўшти мамлакатимиздаги гўшт балансининг 10-12% ини ташкил этади. Бундан ташқари, қўй сутидан турли хил

маҳсулотлар: пишлоқ, бринза кабилар тайёрланади. Бу борада Молдавиядаги ва Кавказдаги кўпгина хўжаликлар олдинги ўринда туради.

Умуман, қўйларнинг энг асосий **маҳсулоти** жун ҳисобланади, улардан олинадиган сифатли ва турли хилдаги жунни бошқа бирор ҳайвондан олиб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, қўй жунини бошқа бирор қишлоқ хўжалик ҳайвони жунин билан тенглаштириб бўлмайди.

Ҳозирги вақтда қўй жунин етиштириш бўйича Ўзбекистон дунёдаги мамлакатлар орасида салмоқли ўрин эгаллайди.

ҚЎЙЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТИ

Қўйларнинг энг муҳим биологик хусусиятларидан бири яйловлардаги ўт-ўланни яхши ўзлаштиришидир. Боши чўзиқ, ҳаракатчан ва лаби юпқа, тишлари қия жойлашган бўлганлиги учун улар жуда паст бўйли ўтларни, ҳатто ердаги ўсимлик барглари ва бошоқларини ҳам бемалол ея олади.

Қўйлар ҳаракатчанлиги ва узоқ масофаларга бора олиши, хилма-хил ўт-ўланни танламасдан бемалол еяверганлиги ва чидамлилиги билан бошқа турдаги чорва молларидан устун туради. Ҳосилдорлиги жуда паст бўлган яйловларда бошқа ҳайвонлар ярим оч қолганида ҳам қўйлар ўз озиғини бемалол топиб ейди ва қорнини тўйдиришга ҳаракат қилади. Думбали ва узун думли қўйлар шу думба ва дум органларида кўп миқдорда ёғ тўплайди, бинобарин улар қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида ўзини яхши сезади. Шу билан бирга уларнинг ёғи инсон учун энг қимматли ва лаззатли озиқ-овқат **маҳсулоти** ҳисобланади.

Қўй зотлари барча биологик хусусиятларига кўра ҳар хил зона шароитида яшашга яхши мослашган. Масалан, тоғ, чўл, чала чўл, дашт ва чала дашт ҳамда иқлими нам бўлган туманлар шулар жумласидандир. Бинобарин, қўйларни боқиш, асраш ва кўпайтиришда ҳар бир зонанинг табиий-иқтисодий ва хўжалик хусусиятларини ҳисобга олиш керак.

Қўйларнинг овқат ҳазм қилиш органлари дағал озуқаларни ҳазм қилишга, улар таркибидаги озуқа моддаларни кўпроқ ўзлаштириш қобилиятига эгадир.

Озуқа ва сув етишмаганда сарфлаш учун қўйларнинг думғаза, думба, қовурға ораси, тўши ва бошқа қисмларида эҳтиёт учун ёғ йиғилади. Бу нарса, айниқса, қурғоқчилик келган йилларда асқотади. Қўйларнинг бу хусусиятлари уларнинг оғир иқлим шароитида яшай олишининг белгисидир.

Қўйларнинг оёқлари маҳкам, туёқлари мустаҳкам. Улар серҳаракат ва чидамли, узоқ масофаларни (суткасига 25-30 км.гача) босиб ўтиш хусусиятига, сийрак ўтли чўл ва тоғ яйловларидан самарали фойдаланиш қобилиятига эгадир. Қўйлар фақат зах

биноларда сақлашга, ботқоқликдаги яйловларга чидамсиздир, бу шароитда уларнинг маҳсулдорлиги пасаяди, ориқлайди, ҳар хил касалликларга чалинади, баъзан эса нобуд бўлади.

Қўйларнинг яшаш муддати 12-14 йил, лекин хўжалик шароитида фақатгина 6-8 ёшгача фойдаланиб, кейин яроқсиз топилиб, гўштга топширилади.

Қўйларнинг биологик хусусиятининг яна бир устунлик томони уларнинг тез етилувчанлиги, серпуштлиги ва бўғозлик даврининг (қорамол, йилқи, туя ва **ҳоказо**ларга) нисбатан қисқа бўлишидир. Масалан, улар яйловдаги бошоқли, дуккакли ва барча хил ёввойи ўтларни яхши ейди, тез семиради, гўшти ва ёғи сифатли бўлади. Улар йилига икки марта қўзилаши мумкин, чунки бўғозлик даври 150-155 кун бўлади. Қоракўл қўйлар ҳар гал 1-2 тадан қўзи туғса, Романов зот қўйлар 4-6 тадан қўзилайди. Урчиш вақти ўртача 1,5 ёшга тўғри келади.

Шундай қилиб, қўйлар биологик хусусиятларига кўра бир қанча устунликларга эга. Бинобарин, уларни кўпайтиришда, **маҳсулдорлигини** оширишда, насл олишда, гўштга боқишда, сифатли мўйна ва тери олишда, сержунлик ҳолатини яхшилашда, серпуштлигини оширишда уларнинг асосий биологик хусусиятлари диққат марказида туриши керак.

ҚЎЙЛАРНИНГ ЗОТИГА КЎРА КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Афтидан, итлардан кейин дастлабки қўлга ўргатилган ҳайвонлар қўй ва эчки бўлса керак. Қўйлар сут эмизувчилар синфига, кавшовчилар, жуфт туёқлилар тоифасига киради. Қўйлар уй ҳайвонлари орасида энг қадимийларидан ҳисобланади. Кейинги пайтларда қазилмалардан топилган тобутларга, ўйинчоқларга, ҳайкалчаларга ва бошқа антик маданияти қолдиқларига солинган қўй суратларининг борлиги ва қўй суяклари уларнинг эрамиздан 6-7 минг йил илгарироқ қўлга ўргатилганидан далолат беради. Қўйларни қўлга ўргатиш аввало ҳозирги Эрон, Ўрта Осиёнинг жанубий ва шарқий туманларида бошланганлиги ҳақиқатга яқинроқ.

Шимолий Африка саҳроликларида ҳам қўйларни қўлга ўргатиш энг олдин бошланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас, чунки бу ерларда тош асрида ҳам Муфлон қўй зотлари яшагани тасдиқланган.

Хонакилашган қўйларнинг аждодлари — ёввойи қўйлар бизнинг замонамизда яшаб келмоқда. Бу гуруҳ ҳайвонлари икки турга бўлинади. Булардан бир тури Шимолий-ғарбий Америка ва Шимолий-шарқий Осиёда яшовчи йўғон шохли ёввойи қўйлардир.

Иккинчи тури Осиё ва Европада яшовчи барча ёввойи қўй зотлари (Муфлон ва Аркар) бўлиб, гавда тузилиши ва ўлчамлари, яшайдиган жойларига қараб, майда-майда гуруҳларга бўлиниб кетади. Қатор белги ва хусусиятларига кўра ёввойи ва маданийлашган қўй, эчки зотлари ораллигини эгалловчи майда туёқли

моллар ҳам мавжуд бўлиб, буларга Шимолий Африкада яшовчи ёлли қўйлар, Марказий Осиёда яшовчи тарлар ва нахурлар киради.

Буларни хонакилаштирилган қўйлар билан чатиштириб бола олиш мумкин эмас. Хонакилашган қўйларнинг аждодларига ҳозирда ҳам ёввойий ҳолда яшовчи Муфлонлар, Аркарлар киради.

Муфлонлар Ўрта ер денгизининг Кориска, Кипр, Сардания ярим оролларида, Эронда, Кавказ тоғларида, Ўрта Осиё давлатларида ва Қозоғистонда учрайди. Муфлонларнинг яшайдиган жойлари асосан одам оёғи етмайдиган баланд тоғ чўққилари ва қоялардир. Чўл ва саҳроларда муфлонлар учрамайди.

Улар унчалик катта бўлмайди — бўйи 70-80 см, оғирлиги 60-65 кг. Тана тузилиши кўп жиҳатдан уй қўйларига ўхшаб кетади. Боши ўрта ўлчамда, суяклари яхши ривожланган, оёқлари ингичка, маҳкам. Жун қоплами калта, нозик тивит ва узунроқ, дағал, йўфон, кичик толали аралашмадан ташкил топган, юнги оч жигарранг ва сариқ бўлади.

Кўпинча қорнининг ён томонларида, оёқларида олалик бўлади. Жун маҳсулдорлиги 1-2 кг. Муфлонлар мустаҳкам конституцияга эга бўлиб, ўта чаққон ва абжир бўлади. Муфлонлар ҳозирги замон калта дум, дағал юнгли қўй зотларининг аждоди ҳисобланиб, осонлик билан қўлга ўргатилади.

Муфлонларни турли қўй зотлари билан чатиштиришдан олдин болаларини кейинги урчитиш ишларида фойдаланиш мумкин.

Аркар зотлари Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларида, Эрон, Афғонистон ва Осиё қитъасининг бошқа мамлакатлари чегараларида яшайди. Муфлонлардан фарқли равишда аркарлар фақатгина тоғларда яшамасдан, балки пастликларда ҳам учрайди. Гавда тузилишига кўра хонакилашган қўйларга жуда ҳам ўхшаган бўлиб, муфлонлардан йирикроқдир.

Уларнинг бўйи 100-110 см.гача, оғирлиги 100 кг.дан 150 кг.гача бўлади. Аркарларнинг юнг қоплами сариқ, оч сариқ рангдаги дағал толалардан иборатдир.

Аркарлар дағал юнг берувчи узун думли қўйларнинг (Валош, Қорақўл, Сокал, Рештилов зотлари) аждоди ҳисобланади. Шунингдек, майин юнг берувчи Сигай қўй зотлари ҳам аркарлардан келиб чиққан бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Аргалилар Олтой ўлкасининг жанубида, Камчаткада, Ҳимолай тоғларида, Тибет тоғ тизмаларининг ғарб қисмида, Аляскада яшайди. Аргалилар архарларга нисбатан йирикроқдир. Бўйи 120-125 см, оғирлиги 150-200 кг, баъзан ундан ҳам кўпроқни ташкил этади. Муфлонлар ва архарлар сингари аргарлар ҳам хонакилашган қўйларга анча ўхшашдир. Жун қоплами тўқ кўк ёки оч сариқ рангдаги калта дағал толалардан иборатдир. Йиллик юнг маҳсулдорлиги 1-2 кг. Аргалилар ҳозирги замон думбали қўйларнинг аждодлари ҳисобланади. Қозоғистонда майин юнг берувчи қўй



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/2569> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/2569> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/2569>